

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРҚУЛ ЎҒЛИ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ОИД ЗАМОНАВИЙ  
КОНЦЕПТУАЛ ДИСКУРСНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ  
(ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам  
Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Мавлонов Журабек Ёркул ўғли  
Фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурсинг асосий  
йўналишлари (ижтимоий - фалсафий таҳлил) . . . . .5

Мавлонов Журабек Ёркул угли  
Основные направления современного концептуального дискурса о  
гражданском обществе (социально - философский анализ) . . . . .17

Mavlonov Jurabek  
The main directions of the modern conceptaul discourse on civil society (socio -  
philosophical analysis) . . . . .31

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 33

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Мавлонов Журабек Ёркул ўғли**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ОИД ЗАМОНАВИЙ  
КОНЦЕПТУАЛ ДИСКУРСНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ  
(ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ға14 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([ik-falsafa.nuu.uz](http://ik-falsafa.nuu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар :**

**Муминов Алишер Гаффорович**  
сиёсий фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Хакимов Назар Хакимович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Абилов Ўрол Муродович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона.Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.М.Баҳодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**О.Д.Нишанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**М.Т.Жакбаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари фуқаролик жамиятига доир янги парадигмаларни шакллантиришни тақозо этмоқда. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг трансформацияси ижтимоий муносабатларни янада демократлаштириш, фуқаро ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида конструктив мулоқотни шаклланишига олиб келмоқда. Лекин, фуқаролик жамиятининг айрим институтлари демократия ниқоби остида жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий барқарорлигига таҳдид солмоқда. Шу боис, жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан фуқаролик жамиятига оид янги парадигма ва универсал моделларни яратиш борасида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти барпо этиш ва унинг ролини янада мустаҳкамлаш каби муҳим стратегик вазифаларни бажариш кун тартибига кўйилди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга оид мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, кўп партиявий тизим шакллантирилди, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги тубдан ўзгарди, маҳалла ноёб фуқаролик жамияти институти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди, жамоат ташкилотларнинг давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг механизми яратилди.

Дунёда демократик жамиятнинг асосий кўрсаткичларидан бири давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги конструктив мулоқотни ривожланганлиги ҳисобланади. Бу ўз навбатида илмий жамоатчилик томонидан конструктив мулоқот метод ва технологияларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда фаолият олиб бораётган аксарият тадқиқот марказлари эътиборини фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ҳокимияти органлари мулоқотининг самарадорлигини оширишга қаратган. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаштириш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги демократик муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан шунинг учун 2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳадаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, миллий ва умуминсоний анъаналарни ўзлаштириш, илғор жаҳон халқларининг ютуқларидан самарали фойдаланиш асносида фуқаролик жамиятини такомиллаштиришнинг оптимал йўллари ва усулларини излаб топишни заруратга айлантирмоқда. Шу боис, бугунги кунда жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сон «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон «Фуқаролик жамияти институтларини

ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2851-сон «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари<sup>1</sup> асосида тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга оширилиши, мамлакатимиз ҳаётини янги босқичини бошлаб берган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга оид концептуал ғоялари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>2</sup>.

Шарқ фалсафасида фуқаролик жамиятининг назарий ва амалий масалалари қадим замонлардаёқ ишлаб чиқилган. Мазкур даврда халқ ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги натижасида ўзаро келишув билан боғланган кўплаб кишилар уюшмаси сифатида талқин қилинади.

Ўрта асрларга келиб бундай қарашлар Августин Аврелий ва Фома Аквинскийлар томонидан ислоҳ қилинди, уларнинг теократик ғоялари XVII аср охирларига қадар ҳукмронлик қилди.

Шарқда Абу Наср ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий асарларида фуқаролик жамияти билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ёритилган.

Ғарбий Европанинг фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий қарашлар Н.Макиавелли, Т.Гоббс ва Ж.Локк асарларида шакллантирилди. Фуқаролик жамиятининг мумтоз назарияси илк бор Уйғониш даври мутафаккири Ж.-Ж.Руссо ва америкалик файласуф Т.Пейн асарларида учрайди. Мазкур назария И.Кант ва Г.Гегелнинг фалсафий асарларида узил-кесил шаклланди. А. де Токвилнинг «Америкадаги демократия тўғрисида» асари нашр

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 - 2014.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

килингандан сўнг жамиятнинг нодавлат соҳаси сифатида фуқаролик жамиятини изчил талқин қилиш қарор топа бошлади, бу асарда муаллиф демократия ва фуқаролик жамияти ғояларини бирлаштиради. Америкалик олимлар Г.Алмонд ва А.Верба асарларида фуқаролик жамиятининг замонавий тадқиқотлари акс этган. Уларнинг давомчилари Л.Пай, У.Розенбаум, Д.Каванаха, Д.Элазар, К. фон Бойме ва бошқалар бўлиб, фуқаролик жамиятининг демократиядаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, дастлабки кунларданок фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, тарихчи олимлар томонидан ўрганила бошланди. Хусусан, Ў.Абилов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, С.Жўраев, Т.Жўраев, С.Мамашокиров, Н.Хакимов, А.Холбеков, Қ.Назаров каби олимларнинг асарларида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг замонавий таҳлили акс этган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланишининг назарий ва амалий масалалари Х.Бобоев, К.Джавакова, Т.Дўстжонов, Ш.Жалилов, А.Жалолов, Н.Жўраев, З.Исломов, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, М.Нишанов, Х.Одилқориев, А.Саидов, И.Толибов, Б.Тўйчиев, С.Хасанов, М.Қирғизбоев сингари олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

А.Азизхонов, Л.Ефимова, Р.Жумаев, Л.Левитин, Э.Муминов, М.Шарифхўжаев, С.Жўраев, У.Жалменов асарларида фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида сиёсий, иқтисодий ва маънавий юксалиш жараёнлари тадқиқ этилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболини таҳлил этишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Г.Жамолова, У.Идиоров, М.Муллажонова, Б.Фарфиев, М.Қирғизбоев каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидан<sup>3</sup>.

Умуман олганда, мазкур ишлар фуқаролик жамиятининг муайян таҳлили ва шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилганлиги билан характерланади. Аммо, қайд этиш лозимки, фуқаролик жамиятининг янги турдаги институтларининг вужудга келиши ва амал қилиш хусусиятлари, ижтимоий ташкилотларнинг давлат ҳокимияти идоралари билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш механизмлари каби масалалар ҳануз тўла очиб берилмаган. Шунингдек, глобаллашув ва ахборотлашув шароитида фуқаролик жамиятининг янги парадигмавий ўзгариш суръатлари етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис ушбу тадқиқотда фуқаролик жамиятининг замонавий концептуал дискурсини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот

<sup>3</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг назарияси ва тарихини тадқиқ қилиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурс доирасида шаклланган илмий ёндашув ва назарияларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан умумлаштириш ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролик жамияти тўғрисидаги илмий ёндашувларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ўзаро диалектик боғлиқ эканлигини асослаш;

глобаллашув ва ахборотлашув шароитида давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмлари моҳиятини очиб бериш;

«Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини такомиллаштириш истиқболларини очиб бериш;

фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги концептуал назарий хулоса ва амалий тавсияларни илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** фуқаролик жамияти феномени ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти.

**Тадқиқотнинг предмети** фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурснинг асосий йўналишлари ва унинг истиқболлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, социологик тадқиқотнинг иккиламчи таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор «фуқаролик жамиятига оид концептуал дискурс», «фуқаролик жамиятининг ахборот парадигмаси» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари очиб берилган;

фуқаролик жамиятига оид концептуал дискурс доирасидаги замонавий ижтимоий-фалсафий ғоя ва қарашларга доир глобаллашув ва ахборотлашув парадигмалари ишлаб чиқилган;

норматив-меъёрий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш, фуқароларнинг демократик тафаккурини юксалтириш, ижтимоий муносабатлар тизимидаги муаммолар мониторингини ўтказиш тўғрисидаги фалсафий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини оптималлаштиришга оид инновацион механизмлар (замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги меморандумлар тузиш, аҳоли билан ишлаш PR-технологияларини жорий қилиш) ишлаб чиқилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамияти концепциясининг онтологик жиҳатлари тизимлаштирилиб, янги илмий тушунча ва парадигмалар ишлаб чиқилган, ижтимоий ҳаётни тадқиқ этишда улардан самарали фойдаланиш механизмлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан ижтимоий фалсафа, фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий ғоя, социология фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар давлат ҳокимияти идоралари, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурс доирасида ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

«фуқаролик жамиятининг концептуал дискурси», «фуқаролик жамиятининг ахборот парадигмаси» каби тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши Шотландиянинг Глазго университети томонидан эътироф этилган (Шотландия Глазго университетининг 2016 йил 1 ноябрдаги маълумотномаси). Мазкур тушунчалар фуқаролик жамиятини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этиб, фуқаролик жамияти соҳасида янги парадигмавий тадқиқотлар яратиш имконини берган;

фуқаролик жамиятига оид концептуал дискурс доирасидаги замонавий ижтимоий-фалсафий ғоя ва қарашлар, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг демократик тафаккурини юксалтириш, ижтимоий муносабатлар тизимидаги муаммолар мониторингини ўтказишга оид ижтимоий-фалсафий таклифлардан Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2017 йил 3 февралдаги 04-06/24-01-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар «оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамланиши, ҳудудий ўқув семинарларини ташкил этилиши, халқимизнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини сифатли

кондирилиши, ижтимоий муносабатлар тизимидаги муаммоларнинг мониторингини ўтказиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида ННТ экспертларининг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилган; мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, бу борада мавжуд ижтимоий буюртмалар тизимини кенгайтириш, қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки ва ролини ошириш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ноинститутционал унсурларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб талабгор иштирокида тайёрланган «Фуқаролик жамияти» дарслиги (Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2016), «Ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари» (Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2014) ва «Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати» (Тошкент: «Турон замин зиё» нашриёти, 2017) ўқув қўлланмалари республика олий ўқув юртларида «Фуқаролик жамияти» фанини ўқитишда кенг қўлланилган. Натижада, талабаларда фуқаролик жамияти ҳақида энг замонавий тассавурлар ҳосил қилиниб, талаба-ёшларнинг эркин фикрлаш, уларнинг жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан мустақил позициясини шакллантириш ва фуқаровийлигини ривожлантиришга кўмаклашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Фуқаролик жамияти феномени ҳақидаги илмий тасаввурлар генезисининг қиёсий таҳлили» деб номланган биринчи бобида фуқаролик жамияти концепциясининг тарихий ва замонавий асослари, тушунчалари, ғоявий анъана ва қарашлар таҳлил қилинган.

Ижтимоий бошқарув тизимида фуқаронинг роли ва ўрни масаласи антик қарашларнинг асосини ташкил этган. Афлотун, Арасту, Цицероннинг асарлари фуқаролик жамияти ғояларини янада батафсил ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фуқаролик жамияти фақат ғарбча тамаддун натижаси эканлиги ҳамда бугунги кунда унинг ютуқларини акс эттираётганлиги борасидаги фикрлари асоссиздир. Зардуштийлик тамойиллари, шунингдек, европалик антик давр мутафаккирларининг қарашлари таъсири остида Ўрта Осиё қомусий олимлари томонидан яратилган асарлар ҳам буни тасдиқламоқда. «Авесто»да, шунингдек, ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккирлари Абу Наср ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ибн Рушд ва бошқа олимларнинг асарларида баён қилинган ўзига хос ғоялар кўп жиҳатдан фуқаролик жамиятига ўхшаш адолатли жамият тўғрисида нафақат мустақил концептуал ғоялар, балки фуқаролик жамиятини тушунишда ўзига хос анъаналар мавжудлигини аниқлашга имкон беради, буларда фуқаролик жамияти эзгулик нуқтаи назаридан талқин қилинади, ижтимоий-фалсафий тафаккур эса эътиборини жамият ва давлат ҳукмдорларининг ўзаро муносабатидаги ахлоқий-маънавий жиҳатларга қаратади.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя ва тасаввурлар манбаларининг таҳлили антик давр ва ўрта асрлардаги фуқаролик жамияти ҳодисаси давлат манфаатларининг хусусий манфаатлардан устун эканлиги нуқтаи назаридан тушунилганлигидан далолат бермоқда. Антик давр ва ўрта асрлардаги кўпгина мутафаккирлар назарида давлат ижтимоий муносабатларни йўлга солувчи асосий институт бўлган. Воқеликни бундай тушуниш жамият тараққиётининг ушбу босқичида жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳамда иккиёқламалиги концепциясининг мавжуд эмаслиги натижасидир.

Инсоният тарихида Янги давр жамиятнинг янги қатламлари шаклланишигина эмас, балки жамият тизимлари (сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳ.к.) ажралиб чиққанлиги, шунингдек, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида зиддиятлар мавжудлигининг табиий эҳтимоли борлигини англаш билан характерланади. Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Л.Монтескье, А.Фергюсон, Ж.-Ж.Руссо, К.Гельвеций, П.Гольбах, Д.Дидро, Т.Пейн, Э.Берк, И.Кант, Г.Гегель ва бошқа бир қатор мутафаккирларнинг концептуал қарашлари Янги даврда, энг аввало, давлатнинг ижтимоий ролини қайта англаш юз берганлигидан далолат беради. Агар антик давр ва ўрта асрларда ижтимоий-фалсафий фикр давлат ҳукмронлигига йўналтирилган бўлса, ушбу тарихий босқичда ўз ҳуқуқлари, манфаат ва эҳтиёжларига эга бўлган шахс (фуқаро) биринчи ўринга чиқади.

Давлат эса мавжуд конунлар доирасида ушбу манфаатларни амалга ошириш институти сифатида намоён бўлади.

Диссертацияда Янги даврда мамлакатимиздаги ижтимоий-фалсафий тафаккурни, хусусан, фуқаролик жамиятининг зарур унсури сифатида маърифат қадриятларини шакллантиришга йўналтирилган жадидларнинг ғояларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Фитрат сингари мутафаккирлар ўз даврдан илгариларга ҳолда нафақат маърифатли, балки мустақил давлатда фуқаролик жамияти барпо этилиши мумкинлиги борасидаги хулосага келганлар. Анъана ва одатлар демократлаштириш йўлидаги тўсиқ эмаслиги борасидаги фикр жадидларнинг муҳим кашфиёти сифатида баҳоланмоқда. Аксинча, мавжуд анъаналар доирасида амалга ошириладиган модернизациялаш барқарор тараққиёт ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим омилидир. Бундай ғоялар ғарб жамиятшунос олимлари томонидан фақат XX асрнинг 70-йилларига келиб шакллантирилганлигини таъкидлаш жоиз.

XX асрдаги тадқиқотларда «фуқаролик жамияти» категориясининг моҳияти ва функционал хусусиятларини тушуниш мураккаблашганлиги, бу эса халқнинг талабларини акс эттирувчи фуқаролик жамиятининг янги мезонлари фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш услубиятига қўшилганлиги билан боғлиқ эканлиги тавсифланади.

Замонавий концепцияларда фуқаролик жамиятининг онтологик ва гносеологик жиҳатларига ижтимоий-фалсафий қарашларнинг турлитуманлиги кўзга ташланади. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий муаммоларини таҳлил қилишнинг тизимли мезонлари айнан шу даврда ишлаб чиқилди. Бу ижтимоий фанларнинг ўта муҳим илмий кашфиёти ҳисобланади. Чунки бу бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни моделлаштиришгина эмас, балки уларнинг истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритишга имкон бермоқда.

Фуқаролик жамияти ривожидида унинг демократия доирасида амал қилиниши энг муҳим янги йўналиш ҳисобланади. Турли олимларнинг ёндашувларини таҳлили шуни кўрсатдики, демократия ва фуқаролик жамияти, бир қатор муаллифлар таъкидлаганидек, ўз мазмунига кўра ўхшаш эмас, уларни назарий жиҳатдан фарқлаш зарур. Демократия кенг маънода давлат бошқарувининг сиёсий усуллари, восита ва меъёрлари йиғиндиси бўлса, фуқаролик жамияти – аҳолининг манфаатларига урғу бериладиган ва умумлаштириладиган жамиятдир.

Диссертациянинг «Глобаллашув ва ахборотлашув шароитида фуқаролик жамияти илмий парадигмалари динамикаси» деб номланган иккинчи бобида глобаллашув жараёнлари ва фуқаролик жамиятининг илмий парадигмалари, асосий хусусиятларини қайта баҳолаш билан боғлиқ жамият ривожининг янги босқичи очиб берилади.

Глобаллашув нафақат жамиятнинг, балки унинг таркибий қисми - фуқаролик жамияти талқинининг анъанавий асосларини ўзгартиради, деб фараз қилиш мумкин. Унинг натижасида фуқаролик жамиятининг ички издан чиқиши содир бўлиб, ташқи муҳит таъсири билан боғлиқ янги тенденциялар

пайдо бўлди. Бу янги – глобаллашув парадигмасини қарор топиши имконияти мавжудлигидан дарак беради.

Бу ўринда, глобал фуқаролик жамияти ёндашувларининг бир хиллиги билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги кучаяди. Чунки, айнан глобал фуқаролик жамияти тенденцияси халқларнинг миллий ўзига хослигини, миллий давлатчилик роли ва аҳамиятини йўқотишга қаратилган. Шунингдек, у глобал таҳдидлар сонининг ўсиши ва турли бузғунчи вазиятлар вужудга келиши хатарининг ортишига олиб келувчи тенденцияларга ҳам эга. Айнан шу боис Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳам умумий демократик кадриятларга, ҳам ижтимоий тараққиётнинг ўзимизга хос моделини яратишга катта эътибор қаратилмоқда, бу эса давлатимизнинг барқарор ривожланишига имкон яратади.

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида ижтимоий муносабатларнинг ахборотлашуви кучая бошлади, бу воқеликнинг виртуаллашуви ва дунёнинг замонавий илмий тасвири ҳамда умум илмий тадқиқотларни қайта кўриқдан ўтказиш асоси сифатидаги ахборотлашган ёндашувнинг шаклланишида ўз тасдиғини топди. Ижтимоий ўзаро ҳаракатлар усули ва уларни амалга ошириш шакли сифатидаги ахборотлашган муносабатларнинг устуворлиги бугунги кунда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

«Давлат – фуқаролик жамияти» дихотомияси ахборотлашув даврида инновацион шаклларга эга бўлмоқда. Масалан, ахборот эркинлиги (ахборотлашган ҳаракатларга эгаллик ҳуқуқи, ахборотга эга бўлиш, ахборот ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) иқтисодий эркинлик, тадбиркорлик фаолияти, хусусий мулкчилик ва мулкдор ҳуқуқидан устуворликка эришмоқда.

Бу ҳолат бошқа ҳар қандай заҳираларга нисбатан ахборот заҳираларига киришнинг арзонлиги, уларга киришда демократик мезонларнинг бир мунча кенглиги, муайян заҳираларга эга бўлиш, уларни яратиш усулларининг турли-туманлиги, ахборот заҳираларининг битмас-туганмаслиги, уларга эга бўлиш ҳуқуқларининг кенглиги ва ҳ.к.лар туфайли юз бермоқда.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти концепциясининг вужудга келиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий парадигмалари» деб номланган учинчи бобида жамиятнинг барқарорлик ва мафкуравий асосларини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти энг муҳим институтларининг роли ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг демократик салоҳиятини амалга ошириш механизми сифатидаги нодавлат институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнининг асосий йўналишлари, тенденция ва истиқболлари аниқланган. Мазкур бобда Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, моҳияти очиб берилган, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг бирлашув жараёни, уйғунлашуви ва ривожланиши таҳлил қилинган.

Ўзбекистон жаҳоннинг демократик ютуқлардаги амалиётини ўз тарихий, миллий ўзига хосликлари билан уйғунлаштирган ҳолда фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Ўзбекистонда демократик давлат ва

фуқаролик жамияти куриш концепциясининг асосий фалсафий қоидалари Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар умумбашарий қадриятлар ва демократия тамойилларига таянади.

Назарий ва социологик тадқиқотларда олинган маълумотлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг барқарорлиги, фуқароларда ўз-ўзини англашнинг изчил ортиб бораётганлиги, мамлакатда юз бераётган ҳодисаларга фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини юксалиб бораётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Кишилар ўз муаммоларини ҳал қилишда масъулиятни англашлари шаклланимоқда, давлатга нисбатан боқимандалик муносабатларининг пайи қирқилмоқда. Фуқаролар ҳаёт тарзи ва уларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларига миллий ҳамда замонавий ахлоқий-маънавий қадриятлар ва меъёрлар сезиларли таъсир ўтказмоқда.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бўлиб, давлат ваколатларининг бир қисмини нодавлат институтлар ва ташкилотларга аста-секин ўтказишдан иборат, булар жумласига қирувчи нодавлат ижтимоий уюшмалар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари (махаллалар) муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалла институтини тиклаш ва янада ривожлантириш, уни ижтимоий манфаатларни амалга оширишнинг таъсирчан воситасига айлантириш «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» стратегиясини амалга оширишдаги энг муҳим элементдир.

Аҳолини инсонпарварлик, бағрикенглик, айирмачилик кўринишларига аёвсиз бўлиш руҳида тарбиялаш, демократик ҳаёт тарзини, талабчанликни, ижтимоий адолат ҳисси ва соғлом ахлоқий-психологик иқлимни қарор топтиришда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш институтлари роли «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» стратегиясини амалга ошириш доирасида янада кучаяди.

Давлатга зарурий мафкуравий барқарорликни таъминлаб берадиган ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширмай туриб, замонавий фуқаролик жамиятини яратиш бўлмайди. Масалан, глобал жамият шароитида ижтимоий шериклик давлат ва фуқаролик жамияти мақсадларининг мутаносиблигини таъминлаш учун мўлжалланган. Шу маънода ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш учун ўтиш даврининг бутун тузилмавий ўзига хосликларини акс эттирадиган, ҳам давлат тузилмаларининг, ҳам фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ, шунингдек фуқароларнинг мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда мақсадли вазифаларни амалга оширишдаги ташаббуси, роли, ўзаро ҳаракати ва масъулиятидан келиб чиқадиган маънавий ва анъанавий қадриятлар (ҳам маънавий ва диний, ҳам анъанавий ва ватанпарварлик руҳидаги жамият қадриятлари тизими) катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жамиятдаги ижтимоий шериклик тизими кўп асрлик миллий анъаналарга, шунингдек, баҳсли масалаларни ҳал қилишда

хамкорлик ёки ён беришга мўлжалланган маънавий мақсадларга, халқларнинг қонунлари ва ахлоқий меъёрларига жо қилинган. Ижтимоий шериклик шаклланишига ижтимоий маданий доираларда ватанпарварлик, анъанавийликнинг маънавий қадриятлари, шунингдек, бутун халқнинг фаровонлиги учун давлат масъулияти ва ғамхўрлиги устувор деб эътироф этиладиган шерикчилик маданияти алоҳида таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Фуқаролик жамияти давлат ва жамиятга нисбатан фуқаролар ўзаро муносабатларининг яхлит мажмуи бўлганлиги боис унга нисбатан ягона таърифни қўллаб бўлмайди. Фуқаролик жамияти ҳодисасининг тадқиқи ушбу соҳадаги концептуал ва амалий муаммоларнинг турли-туман эканлигини исботлади. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда илмий холисликни кучайтириш учун фуқаролик жамиятининг институционал ва ноинституционал унсурлари моҳияти ҳамда қонуниятларини талқин қилишда илмий парадигмаларнинг ўзгариб туришига асосланган ёндашув таклиф этилди.

2. Фуқаролик жамиятининг дастлабки тарихий илмий парадигмаси сифатида антик даврдаги тасаввурларни келтириш мумкин. Фуқаролик жамиятини шарқда ахлоқий-маънавий, ғарбда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий хусусиятга эга деб қараш шаклланган. Бу эса фуқаролик жамиятининг шарқона ва ғарбона антик парадигмалари шаклланишига замин ҳозирлаган. Ўрта асрларда ижтимоий-фалсафий қарашлардаги диний меъёрларнинг ҳукмронлиги фуқаролик жамиятининг моҳияти ва мазмунига сезиларли таъсир кўрсатган. Хусусан, христиан ва ислом динларидаги ғоя ва қарашлар фуқаролик жамиятининг диний парадигмаси шаклланишига асос бўлган;

3. Янги давр мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий тасаввурлари демократиянинг концептуал-амалий воситалари шаклланиш жараёнига катта таъсир кўрсатган. Айнан шу даврда ижтимоий оламнинг давлат – фуқаролик жамияти сифатида идрок этилишини таъминлаган бундай институтларнинг яхлит концепцияси шакллана бошлади. Бунинг оқибатида у фуқаролик жамияти назариясининг мумтоз парадигмаси деб юритила бошланди.

4. Фуқаролик жамиятининг функционал ўзига хосликларига қарамасдан, унга тегишли шахсий эҳтиёжлар, манфаатлар ва мақсадларни қондириш фақат давлат томонидан кафолатланади. Шу боис, замонавий дунёда давлат ва фуқаролик жамиятининг диалектик ўзаро алоқаси ҳамда боғлиқлиги кузатилмоқда. Бу нафақат ижтимоий шериклик тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши, балки фуқаролик жамиятининг давлат бошқаруви самарадорлигига ижобий таъсирини ҳам таъминлайди.

5. Ўзбекистондаги «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш амалиёти демократия ва фуқаролик жамияти

ижтимоий ҳаётнинг чуқур диалектик алоқа ва ўзаро боғлиқ хусусиятга эга бўлган турли ҳодисалари эканлигини кўрсатмоқда. Аммо фақат демократик шароитлардагина фуқаролик жамияти самарали фаолият кўрсатиш ва турли ижтимоий кучларнинг талабларини бирлаштириш имкониятига эга.

6. Глобаллашув шароитида фуқаролик жамияти тушунчасининг анъанавий асосларини ўзгариш жараёни замонавий ижтимоий муносабатларнинг муҳим жиҳатидир. Бу фуқаролик жамиятининг янги – глобаллашув парадигмаси вужудга келаётганлигидан дарак беради.

7. Ахборот-техник тараққиёт ҳамда турли ижтимоий тармоқларнинг вужудга келиши фуқаролик жамиятининг институционал ва ноинституционал таркибий қисмларининг кучайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда ахборот маконига кириш имкониятига эга бўлган кишиларнинг муайян гуруҳи жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Бу эса аҳолининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва ментал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамиятининг ахборот парадигмасини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРКУЛ УГЛИ**

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО  
КОНЦЕПТУАЛЬНОГО ДИСКУРСА О ГРАЖДАНСКОМ ОБЩЕСТВЕ  
(СОЦИАЛЬНО – ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)**

**09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**город Ташкент – 2017 год**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fa14**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([ik-falsafa.nuu.uz](http://ik-falsafa.nuu.uz)) и на Информационном образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Муминов Алишер Гаффарович**  
доктор политических наук

**Официальные оппоненты:** **Хакимов Назар Хакимович**  
доктор философских наук, профессор

**Абилов Урол Мурадович**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет117. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nu.uz](mailto:nauka@nu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года)

**Р.М.Баходиров**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

**О.Д.Нишанова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н.

**М.Т.Жакбаров**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Процессы глобализации и информатизации, происходящие в современном мире, требуют разработки новых парадигм гражданского общества. Трансформация институтов гражданского общества, в свою очередь, способствует демократизации социальных отношений, формированию конструктивного диалога между гражданами и органами государственной власти. Однако, некоторые институты гражданского общества, действуя под прикрытием демократии, создают угрозу социальной стабильности. Поэтому научной общественностью ведется широкомасштабная исследовательская работа по созданию новых парадигм и универсальных моделей гражданского общества.

В годы независимости в Узбекистане выполнение таких стратегических задач, как реализация демократических реформ, формирование и дальнейшее укрепление гражданского общества, стало на повестку дня. Создана прочная нормативно-правовая база для становления и развития гражданского общества, сформирована многопартийная система, коренным образом изменилось правовое и политическое сознание граждан, махалля признана международным сообществом как уникальный институт гражданского общества, созданы механизмы участия общественных организаций в принятии решений государственного значения.

Одним из основных показателей демократического общества в мире считается развитие конструктивного диалога между государством и гражданским обществом, что, в свою очередь, предполагает разработку научной общественностью методов и технологий конструктивного диалога. Поэтому сегодня большинство научных центров проводят исследования, направленные на дальнейшее повышение эффективности диалога институтов гражданского общества с органами государственной власти. В Узбекистане особое внимание уделяется модернизации общества, развитию демократических отношений между государством и гражданами. Именно поэтому 2017 год был объявлен Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым «Годом диалога с населением и интересов человека». Это, в свою очередь, актуализировало усвоение национальных и общечеловеческих ценностей, поиск оптимальных путей и методов совершенствования гражданского общества на основе эффективного использования опыта ведущих стран мира. В связи с этим сегодня научные исследования, направленные на повышение эффективности системы общественного контроля, приобретают особое значение.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-107 «О мерах по поддержке развития институтов гражданского общества в Узбекистане» от 23 июня 2005 года, № ПП-2085 «О дополнительных мерах по поддержке развития институтов гражданского общества» от 12 декабря

2013 года, № ПП-2851 «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности Независимого института по мониторингу формирования гражданского общества» от 27 марта 2017 года, в указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением программы научных исследований развития науки и технологий республики II. «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Концептуальные идеи о формировании и развитии гражданского общества в рамках реализации «узбекской модели» развития, изложенные в произведениях Первого Президента Узбекистана Ислама Каримова<sup>4</sup>, Стратегия действий по дальнейшему развитию страны, разработанная под руководством Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева и положившая начало новому этапу развития нашего государства<sup>5</sup>, послужили научно-методологической основой данного исследования.

В восточной философии концептуальные и практические вопросы гражданского общества разрабатывались с древних времен. В этот период народ трактовался как соединение многих людей, связанных между собой согласием в вопросах права и общностью интересов.

В эпоху Средневековья такие представления были реформированы Августином Аврелием и Фомой Аквинским, чьи взгляды господствовали до конца XVII века.

